



ТОШКЕНТ ОҚШОЖИ

XXI аср сароси
Барча маъбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Вазирлар Маҳкамасида Хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг мажлиси бўлди. Унда мамлакатимизда инвестиция дастурлари бажарилишининг биринчи чорак якунлари ҳамда галдаги вазифалар муҳокама этилди.

• Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида Корея Республикасининг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) Президенти Мин Хён Ки раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

• Фарғона вилояти Касаба уюшмалари кенгаши вилоят ҳокимлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури доирасида жорий йилга мўлжалланган тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

• Тошкентда Осий Тараққиёт банкнинг «Таълим тизимидаги ислохотларни бошқаришда минтақавий ҳамкорлик» лойиҳаси доирасида минтақаларо семинар ўтказилди. Унда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон вакиллари, шунингдек, АКШ, Франция ҳамда Буёқ британиялик таълим соҳаси мутахассислари иштирок этди.

• Ўзбекистон банклар уюшмаси Финляндиянинг Tieto Enator компанияси билан ҳамкорликда «Пластик картчалар билан амалиётлар бозорининг ривож» мавзусида халқаро семинар ўтказди.

• «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурининг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, уни ҳаётга жорий қилиши давом эттириш мақсадида Тошкент вилояти Маънавият ва маърифат кенгаши вилоят миқёсида «Энг фаол маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловини ўтказишдек хайрли ишга қўл урди.

• Пискент туманида вилоят адлия бошқармасининг Хуқуқий маърифат тарғиботи минтақавий бўлими, вилоят ОИТС маркази ҳамда туман прокуратуриси ва Ички ишлар бўлими ҳамкорлигида «Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳамда гивандликнинг олдини олиш чора-тадбирлари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Ўзбекистон Фанлар Академиясининг «Физика — Кўш илмий ишлаб чиқариш» бирлашмасига қарашли Физика-техника институти олимлари уноби ва хурмони очқ ҳақида куритишда фойдаланиладиган махсус меватилгич қурилма ва шу асосда тезкор геолокүртиш технологиясини яратдилар.

• Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида узлуксиз таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича узвийликни таъминловчи ўқув дастурлари асосида янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишнинг долзарб масалаларига бағишланган ўқув-методик семинар бўлиб ўтди.

• Пойтахтдаги Замоновий санъат марказида «Фототехаваскорларнинг республика кўргазмаси» очилди.

• Республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви мажлислар залида «Футболимиз келахаги» кубоги турнирининг ташкили кўмита йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2002 йилда бўладиган мусобақани ўтказишнинг ташкилий масалалари кўриб чиқилди ва турнир Низоми тасдиқланди.

• Наманган вилоятида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг наشري «Диёнат» ва унинг иловаси «Хуққ оламида» газеталари кубоги учун «Динамо» спорт жамияти аъзолари ўртасида футбол бўйича мусобақалар ташкил этилди.

ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 46 (9.696) 2002 йил 22 апрель, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтган тадбир Хиндистон ва мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янги босқичга кўтарилганлигининг 10 йиллигига бағишланди.

□ **«ТОШКЕНТ-интернейшн»** меҳмонхонасида Жаҳон тиллари университети талабалари иштирокида ўтказилган тадбир «Индонезия тунги-2002» деб номланди ва унда Индонезия миллий тиллари кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

□ **ОЛИЙ** ва ўрта махсус таълим вазирлигида олимлар ўқитувчилар иштирокида ўтказилган йиғилишда ўрта махсус таълим тизими ўқувчилари учун янги дарсликлар яратилганлиги маълум қилинди. Бундан ташқари ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ҳошида дарсликлар чоп этилган наشريёт ташкил қилиш лозимлиги ҳам ушбу йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

□ **АЙНИ** кунларда шахримиз корхоналари муассасаларида, маҳаллаларда Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Болалар бадиий ижодиёти республика марказида фахрий педагоглар иштиро-

кида уюштирилган тадбир ҳам юқоридаги мавзуга бағишланди. Ушбу тадбирда иштирок этган пойтахт мактабларидан ташриф буюрган иқтидорли ўқувчилар ўзлари яратган амалий санъат асарлари кўргазмаси билан устозлар кўнгилни хушнуд этишди. Мутасаддилар томонидан эса фахрийларга эсдалик совғалари инъом этилди.


□ **ШУНИНГДЕК**, Акмал Икромов туманидаги 2-сонли трамвай депосида ҳам Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ўтказилган тадбир байрам тусини олди. Чунки фахрийлар учун дастурхон тuzалди, ош тортилди ва депо раҳбариятининг совғалари инъом этилди.

□ **ТОШКЕНТ** молия институти талабалару ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган «Аёл ва экология» мавзусидаги анжуман халқаро ЭКОСАН жамғармаси ташаббускорлигида уюштирилди.

□ **ТЕМУРИЙЛАР** тарихи Давлат музейида бўлиб ўтган «Давлатчилигимиз тарихи» мавзусидаги тадбирда шахримиз мактабларининг иқтидорли ўқувчилари иштирок этишди.

□ **ТОШКЕНТ** шаҳар халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан пойтахт мактабларида бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши тарбиячиси» кўрик-танловининг Акмал Икромов тумани бўйича уюштирилган босқичида голибликка Шах-

САНОАТ



Янги буюртмалар

«Подъёмник» очик турдаги акциядорлик жамиятининг 300 нафардан зиёд жамоаси ўз зиммаларидаги буюртмаларни адо этишда тадбиркорлик билан иш юритиб меҳнат қилмоқда.

Ушбу корхона умумий йўналишдаги электр чорпо-яли кран, юк кўтариш қувавти 5 тоннадан 50 тоннагача бўлган махсус, магнитли, магнитли грейферли, мультмагнитли, икки тележалли, осма кўч устунли ва битта тўсиқли кранлар ва бошқа махсулотлар ишлаб чиқарадиган республикаимиздаги ягона корхонадир. Шунингдек, пўлат сейфлар, абонент шкафлари, зирхланган эшиклар ва турли хил шаклдаги металл шкафлар ва хилма-хил истеъмол



моллари ҳам тайёрлаш ушбу жамоада йўлга қўйилган.

Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ва харидор тақлифларини инобатга олиб корхона мутахассислари мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун керакли қурилиш жиҳозлари, янги очилган лицей ва коллежлар учун зарур жиҳозларни буюртма асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Корхона 1995 йилда акциядорлик жамиятига айлантирилган бўлиб, ўтган давр мобайнида ишчи-хизматчиларда мулкка муносабат кескин ўзгарди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонанинг режалари ҳам бисёр. Улар мавжуд цехларни замонавий юксак унумли дастгоҳлар билан жиҳозлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Бу йил учун 90 фондан зиёд буюртма бор. Бу, албатта жамоанинг узлуксиз ишлашини таъминлайди. Айтиш лозимки, жорий йилдан экспорт хажминини ошириш ҳам кўзда тутилган.

Дилноза ГИЁСОВА
СУРАТЛАРДА: фрезерчи Валентин Ленский 25 йилдан буён корхона илгорлари қаторида меҳнат қилмоқда; корхонанинг янги махсулоти — пўлат сейф. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Илғор технологиялар

Мамлакатимизда жаҳон цивилизацияси қўлга киритган барча соҳалардаги, хусусан таълим-тарбия борасидаги янгиликлар кенг жорий этилмоқда. Уларни тарғиб қилиш, билмиларни эгаллаш ва амалиётга тадбиқ этиш олий ўқув юрталарининг муҳим вазифаларидан биридир.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, уни таълим-тарбия жараёнига изчиллик билан жорий этиш, дарс самардорлигини кучайтириш масаласи доимо диққат-этиборда. Бу борда олий ўқув юрти қошида ташкил этилган «Инновацион технологиялар маркази»да университет ўқитувчилари учун махсус малака ошириш — бир ҳафталик ўқув-машгулот курси ўз самарасини бермоқда.

— Ўқув марказида янги педагогик технологиялар машгулотларини ўтган бир

йил мобайнида ҳар бири 20 кишидан иборат 21 та гуруҳ тингловчилари муваффақиятли битириб чиқилди, — леиди лойиҳа ва ўқув дастурининг муаллифи, педагогика фанлари доктори, умумий педагогика кафедраси профессори Неля Азизхўжаева.

— Машгулотларимизда ёши, лавозими, илмий даражаси, билим савияси ҳамда иш тажрибаси турлича бўлган ўқитувчилар қатнашаётган бўлсаларда, уларнинг ниятлари, мақсадлари битта — у ҳам бўлса ҳозирги замон илғор, янги ўқитиш технологияларидан яхши хабардор бўлишдир. Педагогик технологиялар тарихи, ривожланиш босқичлари, таълим-тарбия жараёнида уларни қўллашни турли метод, усул ва воситаларини талабаларга юқори даражада билим бериш ишида фойдаланишдан иборатдир.

Тингловчилар барча зарур ўқув қуроллари билан тўла-тўқис бепул таъминланган бўлиб, махсус жиҳозланган катта залда ўтказилаётган маъруза, мулоқот, баҳс-мунозараларни тажрибали ўқитувчилар Н. Азизхўжаева, тренинг, тест ҳамда қизқарғич мақсадли ўйин — тажриба машгулотларини эса педагогик маҳорат дарси устози, катта ўқитувчи Р. Ишмухамедов, илмий ҳодимлардан Б. Мўйидинов, И. Шанес олиб бормоқдалар.

Баҳром ТОЖИЕВ



«VISO» кўшма корхонасида кўплаб меҳнатсевар, фаол ёшлар меҳнат қилишади. Уларнинг сая-ҳаракатлари билан махсулот сифати ошиб бормоқда.

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ Ибратли ишлар

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Янги Камолон» маҳалла гузарига кириб келган кишининг баҳри-дили очилди. Айниса Баҳорнинг ҳозирги иллик ва фараҳбахш кунларида бу ерда кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

— Маҳаллаимизда 1300 та хонадонда 5850 нафар аҳоли истикомат қилади, — дейди маҳалла оқсоқоли Қажор ака Содиков. — 18 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, уларда яшовчи кўп миллатли халқимиз тинч, аҳил, ўтказиладиган тадбирларда бир ёқадан бош чиқариб иштирок этиб келмоқда. Шаҳримизни янада обод ва гўзал мақсадга айлантириш мақсадида бошланган хайрли ташаббусга қўшилиб, маҳаллаимизда ҳар бир кўча, ҳар бир хонадон обод ва ораста бўлиши учун ҳаракат қилияпти.

Шу кунгача ҳар кун хашарлар уюштириб, арик ва зовурларни тозалаш юмушларини бажардик. Тўпланган чиқиндилар олиб чиқиб ташланди. 150 тир атиргул ва 100 дан ортиқ мевали дарахтлар ўтказдик.

Маҳаллаимиз ҳудудидаги 34, 84-мактаб ва 74-бўча ўқитувчи ва ўқувчилари, болажонлар билан спорт майдончасини, кўча ва хиёбонларни ораста холга келтирдик. Ишонаманки, буюви бувалари, ота-оналари, катталар билан биргаликда қилинган ишлар ёш авлодга жуда яхши намуна бўлади ва улар эртага бу хайрли ишларни албатта давом эттирадилар.

Маҳаллани айланар экансиз шигил гуллаб турган мевали дарахтлар, бири-бирдан хушбўйликда қолшимайдиган атиргулларнинг ифори атрафга муаттар бўли таратаётганининг гувоҳи бўласиз. «Энг обод маҳалла» кўрик-танлови голиблиги «Янги Камолон» маҳалласига насиб этса ажаб эмас.

Шоира МУХАМЕДОВА

Тақомиллик йўлидаги изланиш

Юнусобод тумани «Маънавият ва маърифат» марказида кизикарли семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда тумандаги мавжуд 11 та академик лицей ва коллежларнинг «Миллий истискол доғиси ва маънавият асослари» фанидан дарс бераётган ўқитувчилар ҳам иштирок этдилар.

Кенгашда «Миллий истиқлол доғиси ва маънавият асослари» фанининг ўқитилишини янада тақомиллаштириш,

масалалари муҳокама қилинди. Йиғилганларга «Йилнинг энг яхши маънавият ўқитувчиси» кўрик-танловининг туман, шаҳар ва республика босқичларининг голиби Нафиса Акбарова ўзининг «Зеҳн» деб номланган ноанъанавий, интеллектуал ўйини асосида тайёрланган бир соатлик дарс ишланмасини

ўзи тайёрлаган кўргазмали қуроллар асосида дарс сифатида ўтиб берди. Катнашчиларга янги йўналишдаги дарс жуда манзур бўлиб қизгин мунозаралардан сўнг, шу кундан бошлаб ҳар бир ўқитувчи ўз ижодкорлигини намойиш этиб ноанъанавий дарс ўтиб бериши, кўргазмали қуроллар тайёрлаши тавсия этилди.

(Ўз муҳбиримиз)

Кизикарли ўтди

Хайрли анъанага мувофиқ шахримиздаги «Наврўз» мажмуаси атрафида Спорт байрами кунига бағишланган энгил атлетика эстафетаси ва югуриш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент шаҳар спорт қўмиталари, Республика ҳамда пойтахт энгил атлетика федерациялари ташкиллаштираган кизикарли мусобақаларда эстафета бўйича пойтахтдаги олий ўқув юрталари, коллежлар ва умумтаълим мактаблари, 35 ёшдан катта фахрийлар ўртасида эса ўқув, спорт, ишлаб чиқариш ташкилотлари, ҳаваскор югурувчилар, моржлар клублари аъзолари 1500 метр масофага югуриш бўйича ўзаро беллашди.

Натижалар сарҳисоб қилинганда шахсий ҳисобда эр-кавлар ва аёллар ўртасида Н.Дребнев, Ш.Амиров, М.Галимжанов, Е.Акушко, Т.Лусинян, К.Латиповалар барчадан устун келишди.

Олий ўқув юрталари ўртасида эстафета бўйича Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия, алоқа ва шарқшунослик институтлари, коллежлар беллашувиде Республика олимпия захиралари, молия, иқтисод ва Мирзо Улуғбек туманидаги санаот коллежлари, мактаблар ўртасида 69, 44 ва 35-ўқув масканларининг ёш югурувчилари голиблар сафидан ўрин олишди.

Голибларга қимматбаҳо совға ва дипломларни Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Алишер

Хамроқулов, Чилонзор тумани ҳокими Хусниддин Маҳмамов ва бошқалар тақдирлади.

Халқаро кураш турнири

Хиндистон пойтахти Дехли шаҳрида Халқаро Кураш Ассоциациясини Президентини Комил Юсупов Хиндистон Миллий Конгресси партияси йўлбошчиси Соња Ганди хоним билан учрашди. Ушбу партия Хиндистондаги энг обрўли ҳисоблангани босис ҳам, учрашув мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта кизиккиш уйғотди.

Учрашувнинг бош мақсади — Хиндистон учун Ганди хоним ўзбек ва хинд халқини азалдан биродарлик, дўстлик ва ўзаро бир-бирини тушуниш каби энг самимий туйғулар боғлаб туришини таъкидлади. Шу билан бир қаторда у ривожланган демократик давлат қуриш йўлида Юртбошимиз олиб бораётган сиёсатни юқори баҳолади. Мулоқот жараёнида ҳар йили Дехли шаҳрида Раҳив Ганди хотирасига бағишланган анъанавий халқаро кураш турнири ўтказишга келишиб олинди. Шу билан бирга Соња Ганди хоним Халқаро Кураш Ассоциациясининг Осиёдаги бўлими бўлими Осий Кўраш Конфедерациясини ўз раҳнамолигига олишни тақдиф этди. Гандилар сулоласининг салоҳиятли вакилларидан бири бўлиши бу сиймога бағишланган дастлабки турнир 2003 йилнинг март ойида бўлиб ўтди. У Хиндистоннинг сиёсий ва спорт ҳаётида муҳим воқеа бўлиши кутилмоқда.

Галабанг муборак, «Пахтакор»

Мамлакат XI миллий чемпионатининг

КЕЧА

«Пахтакор» марказий ўйингоҳида бўлиб ўтган 6-тур учрашувда «Кизилқум» жамоасини қабул қилган пойтахтнинг бош жамоаси «Пахтакор» футболчилари рақиблари дарвозасига 4 та гол киришти 4:0 ҳисобидаги ажойиб галабага эришишди. Тошкентликларга муҳим 3 очко ҳадя этган голларни дарвозага Неъматилла Қуттибоев, Сервер Желеров, Темур Копадзе ва Владислав Кириянлар йўллашди.

ЎТГАН КУНИ

эса шахримизнинг яна бир жамоаси «Трактор» ўз майдонини «Қўқон-1912» жамоасини қабул қилиб ўрмон, Саидхоровларнинг аниқ зарбаларидан сўнг 2:0 ҳисобидеги дастлабки галабани кўлга киритди.

Қолган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди. «Самарқанд-Динамо» — «Зарафшон» 1:0, «Бухоро» — «Сугдиёна» 0:4; «Машъал» — «Насаф» 0:2, «Навбахор» — «Дўстлик» 3:1, «Анджон» — «Сурхон» 4:2, «Металлург» — «Нефчи» 2:0.

Навбатдаги 7-тур учрашувлари 27 апрелда бўлиб ўтди.

(Ўз муҳбирларимиз)

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Жаҳонда

• **Бугун** Россия ҳукумати раиси Михаил Касьяновни Данияга расмий ташрифи бошланади. Бош вазир билан мамлакат раҳбарлари ўртасида бўладиган суҳбат мавзусини савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва икки томонлама фойдалани алоқаларни янада ривожлантириш масалалари ташкил этади.

• **Кеча** Францияда Президент сайловларининг биринчи босқичи бўлиб ўтди. 16 номзодлар орасида сайлов арафасида энг юқори ўринни Жак Ширак ва Леонел Жоспенлар эгаллаб туришган эди.

• **Кеча** Венгрияда иккинчи босқич парламенти сайловлари ўтказилди.

• **Кеча** Италияда Европада энг йирик концерт комплекси иш бошлади.

• Афғонистоннинг собиқ подшоҳи — Муҳаммад Зоҳир Шох ўз Ватанига қайтиб келди. Аввал хабар берганимиздек, уни кузатиб келиш учун Италия пойтахтида муваққат ҳукумат раҳбари Хамид Карзай ва қатор вазирлар ташриф буюрдилар.

• АКШ давлат котиби Колин Пауэллнинг Яқин Шарққа ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф чоғида келишилганга биноан яна бир неча кундан сўнг АКШ ҳомийлигида Исроил ва Фаластин муносабатларига доир учрашувнинг ўтказилиши кутилмоқда.

• Биринчи рақамли террорчи «Ал-Қоида» раҳбари Усама бин Ладен киефаси яна кўриш воситаларида пайдо бўлиб қолди. Туркия разведкаси бин Лоденининг қаерда эканлиги тўғрисидаги хабарни тарқатди. Шу маълумотларга қараганда у ҳозир Кашмирнинг Покистон назоратида бўлган минтақасида турибди экан.

• Халқаро Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда ҳар йили Европада 1 миллион 200 минг киши чекиш оқибатида дунёдан кўз юмаркан. Шу боис яқинда Польша пойтахти Варшавада Европа мамлакатлари соғлиқни сақлаш тизимлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

• Калуга шаҳрида антика музей — гугуртлар музейи барпо этилди.

• «Дунё сайёҳлари сарбонсиз қолди»... Яқинда Фарб матбуоти машҳур норвегиялик сайёҳ Тур Хейердалнинг вафоти тўғрисидаги хабарни тарқатди.

